(?-1739-йил 27-ноябр)
(1728-1739)

Хива хони. Шохниёзхон ўгли. Унинг хукмронлиги даврида Хива хонлигида сиёсий ахвол кескинлашади. 1736-йил Шергозихоннинг катта Эргози султон Шохободда унга карши кураш бошлаган. Хонликдаги мангитлар ва кораколпоклар хам бош кўтарган. Элбарсхон уларга карши кураш билан бир каторд кўшни давлатлар худудига хам чопкунлар уюштирган. 1736-йил Элбарсхон 3 минг туркман аскарларини Чин Вакил ёвмут бошчилигида Хуросонга жўнатган. Бу кўшин Манд текислиги ва Олатог атрофида эронликларнинг кизилбошлилар кўшини устидан зафар козониб, катта ўлжа билан кайтган. бу пайтда Эрон шохи Нодиршох Шемахани босиб олиб Ганжада турган эди. 1738-йил Нодиршохнинг ўгли Ризокули мирза Балхни эгаллаб, Мовароуннахрга юриш бошлаган. Бухоро хони Абулфайзхон Элбарсхондан кўмак сўраган. Элбарсхон катта кўшин билан Бухорога отланган, бирок йўлда Абулфайзхонни кизилбошлилар билан сулх тузганидан вокиф бўлгач, оркага кайтган. 1739-йил февралда Элбарсхон ўзбек ва туркманлардан ташкил топган кўшин билан Хуросонга юриш килиб, Нисо ва Обивард атрофини талон-торож килиб Хивага кайтган. 1739-йил октабрда Нодиршох Бухорони олиб, Хивага кўшин тортган. Туямўйин, Питнак, Хазораспда хиваликлар маглуб бўлган. Эрон кўшини Хонкани 7 кунлик камалдан сўнг эгаллаган, Элбарсхон ва унинг 20 та амири асир олинган. Нодиршох уларни катл эттириб, Хивага юриш килган ва 3 кунлик камалдан сўнг уни босиб олган.